



10-0

2013 yil "4" may

№ 433-К

Samarqand t.-p. Самарканд

Фуқаро Махмудов Зафаржонга "Мотрит-агротехсервис" агрофирмаси худудидан пардозлаш ғиштлари ишлаб чиқариш цехи қуриш учун ер майдони ажратиш ҳақида

Туман ҳокимининг 2013 йил 30 январдаги 93-К сонли ер танлаш қарори, туман ҳокимлиги хузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йиғилишининг 2013 йил 22 мартдаги 25-сонли баённомаси, Давлат экологик экспертизасининг 2012 йил 27 ноябрдаги 1254-сонли хулосаси, Самарқанд туман архитектура ва қурилиш бўлимининг 120/5-сонли Архитектура-режалаштириш топшириғи ҳамда фуқаро Махмудов Зафаржоннинг туман ҳокими номига ёзган аризасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23 моддасига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН

1. Туман ҳокимлиги хузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йиғилишининг 2013 йил 22 мартдаги 25-сонли баённомаси тасдиқлансин.

2. Фуқаро Махмудов Зафаржонга пардозлаш ғиштлари ишлаб чиқариш цехи қуриш учун ер майдони танлаш ҳақидаги туман ҳокимининг 2013 йил 30 январдаги 93-К сонли ер танлаш қарорига асосан жами 0,32 (шундан: 0,32 га "Мотрит-агротехсервис" агрофирмаси ер харитасининг 352-контуридан туман захирасидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган) ер майдони ажратилсин.

3. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси»га асосан ер солиғини ундириш ва 2014 йил 1 январ ҳолати ер балансига ўзгартириш киритиш туман Давлат солиқ инспекцияси (О.Исмоилов) ва туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Т.Шаропов)га топширилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари О.Мухторов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б. Садуллаев